

**КУНЖУТ НАВЛАРИНИ ЕТИШТИРИШНИНГ РЕСУРСТЕЖАМКОР
АГРОТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

Б.С.Мамбетназаров., А.Б.Мамбетназаров., Ш.Қуанышбаева
Қорақалпоқ давлат университети

Бугунги кунда дунё бўйича кунжут ҳар йили 6,7 миллион гектардан ортиқ майдонларда экилиб, ўртacha ҳосилдорлик 3,9 ц/га, ялпи ҳосил 2,9 млн. тоннани ташкил этади. «Дунёда энг кўп кунжут етиштираётган авлатларнинг биринчи 10 талигидан Бирма-4,9 ц/га, Ҳиндистон-3,4 ц/га, Хитой-10,2 ц/га, Буркина-Фасо-7,2 ц/га, Нигерия-5,0 ц/га ва Сомали-9,4 ц/га давлатлари жой олиб, энг юқори ҳосилдорлик Хитой давлатида кузатилган».

Ер юзида аҳоли сонининг ошиши, сугориб дехқончилик қилинадиган майдонларнинг чегараланганлиги, аҳолини озиқ-овқат ҳамда ўсимлик мойига бўлган талабини қондириш мақсадида кунжут экини экиб, юқори ва сифатли ҳосил олиш долзарб ҳисобланади.

Ер юзида мойли экинлар кўп тарқалган, экин майдони 140 млн. га дан ортиқдир. Энг кўп тарқалган экинлар: соя 111,3 млн. га, кунгабоқар 20,6 млн. га, кунжут 9,4 млн. га, махсар 7,82 млн.га, мойли зифир 7,5 млн. га майдонларда экилмокда. Мойли экинлар АҚШ, Канада, Ҳиндистон, Бразилия, Аргентина, Хитой, Пакистон, Россия, Украина да кенг тарқалган. Ўзбекистонда мойли экинлардан махсар, кунгабоқар, кунжут, ерёнгоқ, мойли зифир ва соя куплаб экилади.

Дунё қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилини ошириш, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлаш, кунжутдан таннарҳи паст, юқори ва сифатли ҳосил олиш билан бирга тупроқ унумдорлигини сақлаш ҳамда ошириш, агрофизиковий ва агрокимёвий хосса-хусусиятларини яхшилашда экиш меъёр ва муддатлари ҳамда кўчат қалинлигига эътибор берилмоқда. Айниқса, кунжут экинини парваришлашда экиш меъёрлари ва муддатларини тўғри танлаш ҳисобига аҳолини ўсимлик мойига бўлган талабини қондириш билан бирга юқори ва сифатли ҳосил етиштиришга эришилмоқда. Шуларни инобатга олган ҳолда, кунжут етиштириш агротехнологияси элементларини такомиллаштириш ва бу технологияни илмий асосланган ҳолда кенг амалиётга жорий этиш қишлоқ хўжалигига долзарб ҳисобланади.

Бугунги кунда Республикаизда тупроқ унумдорлигини ошириш, аҳолини сифатли ўсимлик мойига бўлган талабини қондириш, ҳосилдор, тезпишар, маҳсулот сифати юқори, турли абиотик ва биотик омилларга бардошли ҳамда республикамизнинг турли тупроқ-иқлим шароитларига мослашган кунжутни парваришлаш агротехнологиясини ишлаб чиқиш долзарб масалалардан бири

ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон Ўзбекистон республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси тўғрисидаги Фармонида “озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш, қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ҳосил олиш агротехник тадбирларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, сифат назорати инфратузилмасини ривожлантириш, экспортни рағбатлантириш” муҳим стратегик вазифалар сифатида белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ 4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2022 йил 28 январдаги ПҚ-106-сон “тупроқ-иқлим шароитидан келиб чиқиб, ғўза, бошоқли дон, сабзавот, полиз, мойли, дуккакли ва озуқа экинларини уларнинг турлари ҳамда навлари бўйича жойлаштириш” бўйича қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-хуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу лойиҳа тадқиқоти муайян даражада хизмат қиласди.

Қорақалпоғистон Республикасининг умумий ер фонди 16692,4 га, фермер хўжаликлари ер майдони 541564,0 га, шундан пахта ва ғаллачилик ерлари 468832 га, сабзавот ва полизчилик 4972,6га, боғдорчилик ва узумчилик 1424,4 га, чорвачиликка ихтисослаштирилган ерлар 5972га ва бошқа ерлар 6623,7га ни ташкил қиласди.

Қорақалпоғистон Республикасида пахтачилик чўл тупроқларида континентал иқлим шароитида ривожланиши билан ажralиб туради ва тавсифланади. Бу ўзига хос агротехник тадбирларни ва тупроқ экологиясига мос агромелиоратив тадбирларни тўғри қўллаш учун биринчи навбатда тупроқ шароитларини мукаммал таҳлил қилишни тақозо этади. Суғориш манбаи ва фермер хўжаликлари фойдаланаётган ўтлоқи-аллювиал тупроқлари сахро тупроқлари ичida нисбатан юқори унумдорлиги билан ажralиб туради ва деҳқончиликда асосий ер фонди бўлиб ҳисобланади. Пахтачилик минтақаси катта майдонларини ўтлоқи-аллювиал тупроқлар эгаллайди. Ўтлоқи-аллювиал тупроқларда гумус миқдорининг нисбатан кам бўлишига қарамай, қишлоқ хўжалик зироатларидан тегишли агротехник тадбирларни ўтказиш орқали юқори ҳосил олишга имконият мавжуд.

Бу тупроқларнинг юқори қатлами (0-30 см) кам шўрланган (қуруқ қолдиқ миқдори 0,1-0,3%), пастки қатламларга тушган сари тузлар миқдори ортади (1,0-1,5%). Кўп ҳолларда қадимдан суғориладиган тупроқлар 1,5-2,0м чукурликгacha турли даражада шўрланган. Гумуснинг миқдори 0,4-0,6% ни ташкил қиласди ва шунга мос равишда озуқа элементлари миқдори ҳам кўп эмас.

Тупроқларнинг шўрланиш даражаси ундаги микроорганизмларнинг сони, ферментлар ва CO₂ гази бўлинишига таъсир этади. Кам шўрланган ерларида биологик хусусияти яхши ўтади. Кўчли шўрланган ва суғорилмаган тақирили тупроқларида биологик хусусиятлари кучсиз ривожланган. Физик-кимёвий, микробиологик, биокимёвий хусусиятлар бўйича ер ости сувлари сатҳи, тупроқ турига боғлиқ бўлиб, ўтлоқи-ботқоқ, ўтлоқи-аллювиал, тақир тупроқларига қараб ортиб боради.

Қорақалпоғистон Республикаси туманлари бўйича кўп йиллик тупроқ балл бонитетлари ўзгаришини ўрганганимизда, Орол дengизига яқин Чимбой тумани суғориладиган ерлари балл-бонитети кейинги ўн йилдан 41-баллдан 39-баллга пасайган. Шу билан бирга кам шўрланган ерлар камайиб, ўртача ва кучли шўрланган ерлар майдонлари ортган. Демак, суғориладиган ерларни шўрланишини камайтирувчи агротехник тадбирлардан фойдаланиб, тупрокни ҳимояловчи ғўза қатор орасига ишлов бериш технологиясини ишлаб чиқиш ва амалиётга кенг жорий қилиш долзарб ҳисобланади.

Б.С.Мамбетназаров (69;13-б) томонидан Қорақалпоғистон Республикасининг шимолий минтақаси тупроқлари сув-физик ҳоссалари ўрганилганда, қумоқ ва соз заррачаларининг (фракция) кўплиги ва ўзига хос хусусиятларга эга эканлиги аниқланган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Қурбонова О.Х, Исаев С.Х, Азизов Ш.Н, Базарбаев Б.А. Жанубий ҳудудда кунжутнинг Ташкенцкий-122 навини етиштиришнинг дон ҳосилдорлиги башпорати Ўзбекистон республикаси адлия вазирлиги хузуридаги интеллентуал мулк агентлиги № ДГУ 12626, 11.10.2021- йил.
3. Қурбонова О.Х. Кунжутни экиш муддатининг ўсиши ва ривожланишининг ҳосилдорликга таъсири // Science and innovation international scientific journal volume 1 issue 7 uif Tashkent -2022: 8.2 | issn: 2181-3337. 220-224.
4. Қурбонова О.Х. Оч тусли бўз тупроқлар шароитида кунжутнинг суғориш меъёрининг дон ҳосилдорлигига таъсири “Ўзбекистон жанубида экологик тоза қишлоқ хўжалик маҳсулотларини йетиштириш, сақлаш ва қайта ишлашнинг долзарб муаммолари” республика илмий техник анжумани. Қарши, 2022 йил май, 325-328 бетлар.
5. <http://qomus.info/encyclopedia/cat-k/kunjut-uz/>